

ХИТОЙ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА МАҚСАДЛАРНИ БОШҚАРИШ (GOAL MANAGEMENT) ВА SMART МАҚСАДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335220>

**Shasaidova Lola Shamaksudovna**

PhD, Uzbekistan State World Languages University

**Аннотация.** Ушбу мақола хитой тилини ўрганиш жараёнидаги муваффақиятсизликларни олдини олишда тил ўрганиш мақсадларини бошқариш нима учун жуда муҳим деган саволга жавоб топишга ёрдам беради. Шунингдек, хитой тили таълимида мақсад ва вазифаларининг аниқ режасини яратишга имкон берувчи SMART мақсадлардан фойдаланиш таклиф этилади.

**Калит сўзлар.** Хитой тили таълими, мақсадларни бошқариш, асосий мақсад, қисқа мақсад, вақт қутиси, SMART мақсадлар.

**Аннотация.** Данная статья поможет рассмотреть проблему почему цели обучения так важны для изучения китайского языка и преодоления неизбежных неудач, с которыми вы столкнетесь на пути к овладению языком. Также предлагается использовать цели SMART, которые позволяют составить четкий план целей и задач в обучении китайскому языку.

**Ключевые слова.** Изучение китайского языка, управление целями, основная цель, короткая цель, временные рамки, цели SMART

**Annotation.** This article will help address the issue of why learning goals are so vital to learning Chinese and overcoming the inevitable setbacks you will encounter on your way to mastering the language. It is also suggested to use SMART goals, which allow you to create a clear plan of goals and objectives in Chinese language education.

**Keywords.** Chinese language learning, goal management, main goal, short goal, time box, SMART goals.

Тил таълимида тил ўрганиш мақсадларини бошқариш аҳамиятли эмасдек кўриниши мумкин. Чунки ҳар бир тил ўрганувчининг бу борада ўз мақсади бўлиши табиий. Фақат бундай мақсадга эришиш узоқ муддатни талаб этиши ҳисобига, ишни нимадан бошлаш, қандай олиб бориш кераклигини аниқ белгилаб бериш имкониятига эга эмас.

Тил таълимида кўзланган натижага эришиш учун мақсадларни бошқариш жуда муҳим саналади. Мақсадларни бошқариш деганда, энг аввало асосий мақсадни белгилаш, сўнгра уни босқичларга, босқичларни эса қандай босиб ўтиш кераклигини белгилаб берувчи йўлларга ажратиш тушунилади.

**Асосий мақсад** (Узоқ муддатли)

Асосий мақсад ҳақида гап кетганда, тил ўрганувчи уни ўзи учун аниқ белгилаб олиши керак. Масалан, хитой тилини ўрганишдан асосий мақсад нима? Мана шу саволга аниқ жавоб асосий мақсад бўлади. Хитойшунос бўлиш учун хитой тилини ўрганиш билан бизнес ҳамкорлик учун хитой тилини ўрганиш орасида катта фарқ бор, албатта. Баъзи мақсадларга эришиш учун йиллар кетса, баъзиларига ойлар кифоя қилади. Демак, тил ўрганиш мазмуни асосий мақсадга асосланиши керак.

**Қисқа мақсад**

Юқорида айтиб ўтилганидек, қисқа муддатли мақсадларга эришиш унчалик кўп вақтни талаб этмайди. Бу мақсадни ҳам тўғри белгилаш жуда муҳим, чунки унинг натижаси бевосита аниқ масадга таъсир кўрсатади. Қисқа мақсад асосий мақсадга эришиш учун

нималарни мунтазам бажариб бориш кераклигини аниқлаштириш орқали шакллантирилади. Масалан, бу йилги асосий мақсад HSK 3 даражаси учун имтиҳон топшириш бўлса, 600 та лексик минимумни эгаллаш лозим бўлади. Бунинг учун ишни вақтни тўғри тақсимлашдан бошлаш лозим. Имтиҳон топшириш санаси 6 ойдан кейинга режалаштирилган бўлса, ҳафтасига 25 та сўзни ёдлаш ўзлаштириш лозим. Ҳафтанинг 5 кунни тайёрланиш кунига ажратилса, кунига 5 та сўздан тўғри келади. Бундай кичик масадга эришиш тил ўрганувчига қийинчилик туғдирмайди. Чунки у кунлик мақсад бўлгани учун, ўша кунлик натижасини кўриш, унинг ўрнини янги кичик мақсадлар билан алмаштириш мумкин бўлади. Тўғри, баъзида натижа ижобий бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу кичик муваффақиятсизлик бўлгани учун тил ўрганиш қизиқишини сўндириб қўймайди, балки келгусида йўл қўйилиши мумкин бўлган катта хатоларни олдини олади.

Асосий мақсадни ойлик, ҳафталик, кунлик, соатлик мақсадларга бўлиб, бу мақсадларга монанд вазифаларни узлуксиз бажариш одат тусига киради. Агар мақсад фақат ҳаёлда бўлса, у ўша ерда қолиб кетиш эҳтимоли кучли бўлади. Психологияда экстерниоризация тушунчаси мавжуд - бу ички жараёнларни (фикрлар, режалар, мақсадлар) оғзаки ёки ёзма шаклда ташқарига кўчишидир. Шунингдек мия ёзилган нарсани аллақачон ҳақиқат деб идрок қила бошлайди ва мақсадга етакловчи вазифаларни бажаришга ундайди. Мақсадларни назорат қилиш ва натижаларни кузатиб бориш учун маҳсус TaskLabels, Bullet Journal каби тайёр онлайн иловалар ёки бўлмаса Pinterest сайтидаги мақсадлар доскасида фойдаланиш ишни анча осонлаштиради.

Мақсадларни бошқариш жараёнини энг аввало кунига 1 та кичик мақсадни қўйишдан бошлаш лозим. Бир вақнинг ўзида бир неча кичик мақсадларни баравар қўйиш баъзида чалқашликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Энг яхшиси ҳар ой яна 1 мақсаддан қўшиб боришдир.

### **Вақт қутиси. Time boxing**

Тил ўрганувчининг қанчалик вақти кўп бўлса, у шунча тез кўзлаган мақсадига ета олади дейиш бироз нотўғри. Тан олишимиз керакки, ҳаётимизда бирон вазифани бўш вақтимиз бўлсада, охири кунгача қолдирган пайтимиз кўп бўлган. Бу борада бизга вақт назорати етишмаган. Вазифаларни бажаришни назорат қилиш бўйича жаҳон тажрибасида вақт қутиси (Time boxing) усули қўлланилади. Вақт қутиси бирон вазифани бажаришга муддат белгилаб, уни фақат шу вақт ичида бажаришга йўналтиради. Масалан, тил ўрганувчи учун тилнинг бирон аспектини ўзлаштириш қийин, унинг устига шу вазифа устида узок муддат ўтириш рухий зикликка, тушкунликка, чарчоққа сабаб бўлиши мумкин. Вақт қутиси бундай вазифаларни аввал 10 минутли қисқа вақт оралиғида бажариб кўришга йўналтиради. Ҳар бир вақт оралиғида қисқа танаффус қилиш, бошқа фаолият тури билан шуғулланиш мумкин. Кейинчалик тил ўрганувчи вақт оралиғини ўз имконияти, сабридан келиб чиқиб кўпайтириб бориши мумкин. Баъзи ҳолларда бирон вазифага ҳар кун 10 минут сарфлаш, бир ҳафтада 2 соат вақт сарфлаб бажаришдан самаралироқ бўлиши мумкин. Вақт назоратида албатта таймердан фойдаланиш керак.

Тўғри, бирон вазифани бажариб тугатмагунча, бошқа ишларга чалғимаслик албатта яхши, аммо бу нарсага ҳаммининг ҳам сабри етмайди.

**SMART мақсадлар** таълимда мақсад ва мақсадга етакловчи аниқ режани яратишга ёрдам бериш учун қўлланилади.

SMART - менежмент ва бошқарувда мақсадни белгилаш ва вазифаларни куйиш учун фойдаланиладиган усул. SMART аниқ (маҳсус), ўлчовли, эришиш мумкин, тегишли (мувофиқ) ва вақтга асосланган деган маънони англатади.

Таълимда SMART мақсадларини белгилашда бешта омилни ҳисобга олиш керак:

S - specific — аниқлик. Мақсад аниқ белгиланиши ва қачон? қандай? нима қилиш керак? каби саволларга жавоб бериши керак.

M - measurable — ўлчовли. Мақсадга эришилганликни белгилаб берувчи омил. Тил таълимида мақсадга эришганлик даражасини имтиҳон баллари ёки фикр-мулоҳазалар билан ўлчаш мумкин. Бунда баҳолар орқали миқдорий ўлчов ва фикр ва мулоҳаза бериш каби сифат ўлчовида ўлчаш мумкин. Миқдорий ўлчов аниқ фанлар учун, сифат ўлчови эса гуманитар фанлар учун яхшироқ ишлайди.

A-Achievable – эришиш мумкин бўлган имконият. Яъни асосий мақсадга эришиш учун керак бўладиган ҳаракатлар, шартлар, ресурслар каби имкониятлар. Мақсадни шахсий имконият доирасида белгилаш лозим.

R-Relevant –тегишли, мувофиқ. Таълимга мувофиқ мақсадларни қўйиш. Мисол учун, агар талаба HSK 4 учун тайёрлов дарсларида иштирок этмаса, ёки камида HSK 3 даражадаги билимга эга бўлмаса, мазкур йилда HSK 4 даражасини олишни мақсад қилиш унчалик ҳам тўғри келмайди.

Шундай экан, ҳар бир мақсад шахсинг қобилияти, имконияти, кучли ва кучсиз томонларига мос бўлиши керак.

T - time bound – вақтни чегаралаш: яъни мақсадга эришиш вақтини белгилаш. Қўйилган мақсадга эришиш қачон ва қанча муддатга режалаштирилганини аниқ белгилаш, дедлайн қўйиш.

Хулоса қилганда, мақсадларни назорат қилиш ва смарт технологиялар тил ўрганувчига вақтни тежашга, натижага тез ва осон эришишга, ўзини назорат қилишга, камчиликлар устида ишлашга, узокни кўра билишга ёрдам беради.

Мақсадларни назорат қилиш нафақат тилни ўрганишда, балки ҳаётимиздаги бошқа мақсадларни бошқаришда ҳам катта ёрдам беради.

#### АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. [Jianfen Wang](#), [Junqing \(Jessie\) Jia](#). Performed Culture in Action to Teach Chinese as a Foreign Language. Integrating PCA into Curriculum, Pedagogy, and Assessment. 2022. Routledge.188 Pages.
2. Kathleen O'Connor. Goals and goal-setting in tandem language learning. <https://www.academia.edu/38852828/>
3. ROBERT STROUD. Performance Goal-Setting and Feedback for Second Language Tasks. An Empirical Study of TBLT Group Discussions. Doctoral Thesis / Dissertation, 2018. 286 Pages.
4. Wenying Zhou., Guofang Li. Chinese language teachers' expectations and perceptions of American students' behavior: Exploring the nexus of cultural Differences and classroom management. <https://www.researchgate.net/publication/272395797>